# HURRIYAT

*O'zingni angla!*

Mustaqil gazeta

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
**Муштарийларимиз сафида бўлинг!**
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 2-iyul, №30 (586)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**


## САМАРҚАНДДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН МИС ТАНГА



***Академик В.В. Бартольд Самарқанддан олиб кетилган нодир тангаларни эпиграфик ва лингвистик жиҳатдан ўрганар экан, ҳижрий 663, мелодий 1264 йилда қадимги ўзбек тилида ёзилган мис танга борлигини аниқлаган.***

⇨ 3-бет

## ЭРКИН МАТБУОТ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот асри муаммолари теран ва изчил ёритиб берилаётганлиги боис халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккури тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.***

⇨ 4-бет

## "ХАСТАМЕН, ФИКРГА, ТУЙҒУГА ТЎЛИБ..."



***Замондошлари Ойбекни ғурури баланд, айни пайтда боладай содда, беғубор, гинакудуратдан холи инсон эканлигини айтишади. Ҳатто ўзига ранж-алам етказган, нафсониятига қаттиқ теккан инсонларга нисбатан ҳам у кек сақлашни хаёлига ҳам келтирмаган.***

⇨ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **27–28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент юқори палатасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилган бир туркум қонунларни, шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.**

- **2007 йилнинг апрель ойида "Ўзбекистон—Хитой" газ қувурини барпо этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланганди. Ушбу ҳужжатга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газ қувурлари тармоғини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни мувофиқлаштириш мақсадида «Asia Trans Gaz» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. 30 июнь куни Бухоро вилояти Жондор туманининг Саёт посёлкаси яқинида ушбу қувурнинг қурилиши бошланди.**
**Умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан ошадиган ушбу лойиҳа узунлиги 500 километр бўлган иккита линия қурилишини кўзда тутади. Уларнинг биринчиси 2009 йилнинг декабрь ойида, кейингиси эса 2011 йилда фойдаланишга топширилади.**

- **Мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий йиғини (парламенти) раисининг ўринбосари Уонг Ту Лиу раҳбарлигидаги делегация 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан, 1 июль куни эса Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Муҳиддинов билан учрашди.**

- **Пойтахтимизда "Тошкент тарихи — ёзма ва археологик манбаларда" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти ва "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган пойтахтимизда туризмни янада ривожлантиришга оид лойиҳа тақдимоти ўтказилди.**

**ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА**



# ВАТАН КЎРКИ

Ватанимиз остонаси бўлмиш Тошкент шаҳри ўзининг бетакрор чиройи, дунёнинг ҳеч бир кентига ўхшамас, тенг келмас файзу таровати-ла ўзгача, тўғрироғи, дунёда ягонадир. Гарчи жаҳонда бир-биридан гўзал, бетакрор шаҳарлар кўп. Гарчи осмонўпар биноларию, одам ақлини шошириб қўядиган серқатнов кўчаларга тўлиб-тошган маконлар ҳам оз эмас. Аммо бутун дунёда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Тошкент биттадир.

"Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқуёш диёримизнинг бутун кўрки-тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир", дея эътироф этган эди Президентимиз.

Дарҳақиқат, шундай. Ватан остонаси демак, юртимизнинг бош эшиги — ҳар қайси оила, шаҳар, мамлакатимиз, халқимизнинг фахр-ифтихори, ғурури тимсолидир.

Биласизми, юртимизда барча кимлигидан, қай манзилда яшашлигидан қатъи назар — Тошкентга интилади, ана шу азиз, гўзал, тарихий гўшага келгиси келаверади. Уни бир бор кўрган одам яна келгиси, кўрмаган одам эса, албатта, кўргиси келади!

Бунинг сабаби не, сири нимада экан? Ким билсин, эҳтимол юракдадир. Чунки инсон ўз юрагига қанчалик қулоқ тутса, боғлиқ бўлса, балки у ўз ватани — юрагига ҳам шу қадар яқин, пайваста бўлади.

Ватанимиз юраги эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда — Тошкентдир.

Тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақаладиган, муборак номи энг қадимий Хитой ёзма манбалардан тортиб, "Авесто" китобида ҳам зикр қилинган, ҳамма замонларда дунёни ҳайратга солиб келган азим шаҳримиз Буюк ипак йўли ўтган ерларда улкан маданият қасри сифатида шаклланиб, дунё тамаддунига беҳисоб тухфалар тақдим этди. Шаҳарлар, қалъалар бунёд этилди.

Қадимий Шош, ҳозирги Тошкент ҳам шу тариқа ривожланиб, жаҳонга бўй кўрсатди, ўзини танитди.

Тошкентнинг шимолида, "Минг ўрик" тепада ўн уч аср илгари вайрон этилган кўҳна Шош шаҳрининг харобалари сақланади. Археологик изланишлар Тошкентнинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимийлигидан далолат беради. Топилган ашёлар — сопол идишлар, буюмлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар бу ерда маданият, савдо-сотиқ гуркираб ривожланганини билдиради. Шаҳар аҳолисининг турмуш тарзини яққолроқ тасаввур этишга имкон беради.

Қайсики юртнинг ободлигини билмоқ истасанг, унинг бозорларини кўр, деб айтишади. Бу фикрни, назаримизда, яна шундай давом эттирмоқ мумкин: қайси юртнинг нечоғли ривож топганлигини билмоқ истасанг, унинг остонасига боқ.

Дарҳақиқат, мамлакат остонаси азим Тошкентда, айниқса, истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Бундан ўн етти йил аввал Тошкент қандай эди-ю, бугун қандай? Очиғи, кўз кўриб ишонмайди. Дил қувонади. Юрак чексиз фахр-ифтихорга тўлади.

Ҳақиқатан ҳам, 1990 йилларда шаҳарда саноқлигина кўркам бинолар мавжуд эди. Бугун шаҳримизда ўзига хос кўрк ва салобат билан қад ростлаб турган "Шератон—Тошкент", "Интерконтиненталь—Тошкент", "Дедеман", "Гранд—Отел" каби меҳмонхоналар, буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий номидаги миллий боғ, муҳташам Амир Темур ҳайкали, Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, "Бобур" боғи, "Юнусобод" теннис корти, давлат Марказий банки, Миллий банк, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий Мажлиснинг муҳташам биноси, Ўзбек Миллий академик театри, республика Давлат мулк қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги жойлашган бино, Иқтисодиёт университети, ўнлаб бир-биридан гўзал, муҳташам коллеж ва академик лицейлар, қанчадан-қанча бошқа олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳлари бунёд этилди.

Бу муҳташам кошоналар дунёнинг қайси шаҳаридагидан кам?! Асло кам эмас, аксинча, кўпгина юртларга намуна, ўрнак бўлишга арзийди.

Кейинги йилларда ана шундай кўплаб улкан ва салобатли биноларнинг қурилгани юртимизда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами нақадар кенг эканлигидан далолат беради.

Бунёдкорликлар ҳақида сўз борар экан, ҳеч шубҳа йўқки, пойтахтимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдонидаги беқиёс ўзгаришларни эътироф этмасдан илож йўқ. Чунки мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ана шу маскан муқаддас қадамжо қиёфасини касб этди. Бу ерда бўлган ҳар бир юртдошимизнинг қалби ўз халқи учун ифтихор туйғусига тўлади.

Бош майдонда бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган мажмуага Мустақиллик ва Эзгулик монументи деб ном берилди.

(Давоми 2-бетда.)






**ЎЙЛАБ КЎРИНГ**

# Муз остида гул унар...

*Аёлни сев,*
*Остонасин ўп,*
*Қаср қурма, кўнглини сўра.*
*Фарида Афрўз*

Баъзан ўзининг чексиз нафосат эгаси эканлигини унутаёзган аёлларни кўрганда, негадир севимли шоирамизнинг шу сатрлари ёдимга тушади.

Одатда, аёлни гулга менгзашади. Чечаклар ҳар куни эътибор талаб қилгани каби аёлларга ҳам меҳр кўрсатиб турилмаса, дийдаси қотар экан, шекилли. Кўча-кўйда, бозор-ўчарда эркакшода одим ташлаб, эркакчасига сўкинаётган жувонларни кўп кўрамиз ва ҳатто бунга табиий ҳол дея қарашга ҳам одатланиб қолганмиз. Ҳадисларда эркакларга тақлид қилгувчи аёллар ҳам, аёлларга тақлид қилгувчи эркаклар ҳам қораланганлиги ҳақида кўп бора ўқиганимиз, эшитганимиз бор.

Неча асрларки қалам аҳли учун илҳом манбаси бўлиб келаётган, гўзаллик рамзи сифатида улуғланадиган сиймо шаъни хира тортмаслиги жоиз. Нафислик, нозиклик, латофат тимсоллари турмушнинг майда ташвишлари туманида қолиб кетмасин. Аммо... Тушларида Кумушбибини кўриб йиғлайдиган йигитларнинг юрагида давр қизларига нисбатан аллақандай ғашлик бордек...

Назаримда нафосатдан йироқлашиб бораётган айрим аёлларнинг нигоҳида эркакларнинг гуноҳлари яширинганга ўхшайди-ёв. Бугуннинг алп йигитлари уй юмушлари билан кун бўйи банд бўладиган рафиқаларининг қуёшда қорайиб кетган юзини ой, томорқада ўт юлавериб моматалоқ бўлиб кетган қўлларини нафис дейишга ўзларида матонат топа олишаяптимикин?!

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлиб, тўғриси, юрагимга титроқ тушди. Фирма раҳбари бўлиб ишлайдиган ўрта ёшлардаги бир опа фаолияти тақозоси туфайлими ёки характерига шу хусусият сингиб кетганиданми, юриш-туриши ҳам, гап-сўзи ҳам эркакшода бўлиб қолган. Қаҳри қаттиқ бу аёлдан фирмадаги эркак ишчилар ҳам чўчиброқ туришаркан. Ўша куни бир юмуш чиқиб, опахон билан уйига борадиган бўлдим. Дарвозадан киришимиз билан онасининг дўриллаган овозини эшитиб, гул суғораётган кенжа ўғли ҳовлидаги атиргул ғунчасини узиб берди. Мен эса фарзандини қучоқлаб олиб, ҳўнграб йиғлаётган бу раҳбарнинг аслида шунчалик нозик қалб инсон эканлигини ҳазм қилишга қийналар эдим.

Шундай экан, бир қўли билан дунёни тебратиб турган аёлнинг иккинчи қўли бешикда эканлигини унутиб қўйиш асло мумкин эмас.

Улардан эътибор ва ғамхўрликни ҳеч қачон дариғ тутманг.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**

**ДУНЁ СИЁСАТИ**




# Европа баҳосига ўтилади

Украинага Россия томонидан етказиб берилаётган газ нархи босқичма-босқич равишда кўтарилиб бормоқда ва яқин уч-тўрт йилда мазкур мамлакат ҳам табиий ёнилғини Европа баҳосида сотиб ола бошлайди. Бу ҳақда Украина Бош вазири Юлия Тимошенко Владимир Путин билан музокаралар ўтказгандан сўнг маълум қилди. Манбада айтилишича, Украина етказиб берилган газ учун Россияга барча қарзларини вақтида тўлаб бормоқда.

Кейинги йилда, маълумотларга қараганда, Россия ҳар бир минг кубометр газнинг баҳосини 400 долларгача кўтариши мумкин.

5»

**МУНОСАБАТ**

*Мамлакатимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг миқёсда нишонланди. Байрам муносабати билан бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда оммавий ахборот воситалари тизимига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақли равишда эътироф этилди, ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим узвий қисми бўлган эркин матбуотни шакллантириш, бу борада эришилаётган муваффақиятлар ва журналистика олдида турган долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Айниқса, Президентимиз йўллаган байрам табригини қалам аҳли катта қувонч билан кутиб олди. Юртбошимиз билдирган ишонч журналистларга катта масъулият ҳам юкладики, бу уларда изланишга, ижод қилишга бўлган иштиёқни кучайтирмоқда.*

*Табрикда айтилганидек, халқимиз журналистлардан журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатларга бутунлай барҳам бериб, янада шижоат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутмоқда. Шунингдек, Юртбошимиз ўз нутқида бугунги миллий журналистикамиз олдида турган бошқа муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Қуйида ҳамкасбларимиз ҳам айни шу мавзуда фикр юритади.*

# Теран нигоҳ ила



Ҳар дақиқада дунё тараққиётида ўзига хос бир янгиликнинг кашф этилиши, рўй бераётган турфа воқеалар атрофга теран нигоҳ ила боқишимизни тақозо этаяпти. Чунки XXI асрда жаҳон майдонида "глобаллашув" деган жараён ниқобида ўз манфаатларини устун қўяётган кучларнинг от сураётгани ҳам сир эмас.

Юртбошимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ҳам "Глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда", деб эътироф этдилар.

Ана шундай паллада тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонда ҳар сонияда кузатилаётган буюк ўзгариш ва янгиланишларни оммавий ахборот воситаларида борича, кенг тарғиб қилиш биз журналистлардан тинимсиз изланишни талаб қилади.

**Наврўз РИЗАЕВ,**
**"O'zbekiston" телеканали ахборот муҳарририяти "Таҳлилнома" кўрсатуви бошловчиси.**

2»

## Бугуннинг нафаси

■ "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида 400 хилдан ортиқ турдаги эҳтиёт қисм тайёрланмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили заводда ТТЗ-80.10 ва ТТЗ-80.11 каби етти хилдаги минглаб трактор ишлаб чиқарилади. Эндиликда улар сафига завод муҳандис-конструкторларининг бир неча йиллик изланишлари самараси бўлган қуввати юз от кучига тенг янги авлод трактори қўшилди.

■ Навбаҳор туманида жорий йилнинг ўтган даврида мингдан зиёд талабгорлар иш билан таъминланди. Туманда туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда «Навбаҳортекс» ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ишга тушгач, яна 200 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланади.

■ Тошкент шаҳрида Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги сиёсатнинг ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган миллий семинар очилди. У БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "АКТ сиёсати" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

■ Зарафшон шаҳридаги «Омад бизнес Зарафшон» масъулияти чекланган жамиятида ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий хориж технологиялари билан жиҳозланган корхона кунига 50 минг дона сифатли ғишт тайёрлаш қувватига эга. Корхонада юзга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Йил охиригача қарийб 10 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш режалаштирилган.

■ Самарқанд вилоятидаги «Челак пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятида қурилиш-таъмирлаш ва замонавий технологиялар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Сифатли тола ажратадиган, пахтани чиқиндилардан тозалайдиган янги жиҳозлар ўрнатилгач, завод йилига 55-60 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш имконига эга бўлади.

■ Элликқалъа туманидаги "Орол болалари" ўқув-соғломлаштириш марказида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика анжумани бўлиб ўтди. "Йўл қоидаси — умр фойдаси" шиори остида ўтган тадбирда бош соврин — Гран при Қорақалпоғистоннинг "Яшил чироқ" жамоасига насиб этди. Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари юқори ўринларни эгаллади.

■ Самарқанд вилоятида янги корхона — «Булунғур интерлиго» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Замонавий технология асосида иш юритилаётган корхонада кунига икки минг жуфт резина пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда четдан хомашё келтиришга чек қўйиш, вақт ва харажатни тежаш мақсадида жамият қошида йил охиригача полиэтилен ишлаб чиқарадиган цехни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Янги корхонада юз нафардан зиёд йигит-қиз ишли бўлди.

**Ҳожиакбар ТЎҒОНОВ тайёрлади.**

# ВАТАН КЎРКИ

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Бунинг сабаби аён: бу ердаги ҳар бир ёдгорлик, ҳар бир бино ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга.

Бош майдон ёнидан ўтаётган ҳар бир киши яққол кўзга ташланадиган, дунёнинг бирор-бир шаҳрида ёки майдонида учрамайдиган ўзига хос тарзда бунёд этилган Аркага эътибор қилмай ўтиб кетолмайди. Арка тепасидаги бахт-саодат ва авлодлар давомчиси рамзи бўлган парвозга ҳозирлик кўраётган турналарга қараб беихтиёр юрак эзгу ўй ва туйғуларга тўлади.

Тинчлик, осойишталик, кут-барака рамзи бўлган бу ажиб чиройдан кўнгил шодланади. Бош майдонимиз тўрида салобат билан оппоқ нур таратиб Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат биноси, Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлигининг маъмурий бинолари ҳеч қачон ҳозирги пайтдагидек чиройли ва кўркамлашмаганди.

Ҳар куни, куннинг исталган пайтида бу мажмуада юзлаб юртдошларимизнинг сайр қилиб юришганлигини, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар эса бу масканга келиб ҳайратланиб, завқ-шавқ билан томоша қилишаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Қолаверса, Она Ватанимиздаги ана шундай чирой, яшариш ва кўркамлашиш нафақат пойтахтимизда, бутун республикамизнинг вилоят марказлари, шаҳар ва туманларига ҳам кўчган.

Бугунги Самарқанд, Андижон ёки Фарғонани ёки жанубий вилоятлар Қаршини ва ё Термиз шаҳрини олинг. Бу юрт гўшалари ҳам истиқлол йилларида чирой очди, таниб бўлмас даражада қаддини ростлади.

Хўш, бу ўзгаришларнинг бош сабаби нимада? Нега мустақилликдан олдинги йилларда тинимсиз меҳнат қилган ўзбек халқининг қадимий юртида кўз-кўз қиладиган ақалли бирорта замонавий кўркам маскан пайдо бўлмади ҳисоб? Нега қадимий қадамжоларимиз қаровсиз ҳолга келиб қолганди? Сабаби бу юртга жони ачийдиган сиёсат ҳукмрон эмасди. Юрт эса ўз эркига, мустақиллигига эга эмасди.

Шу боис, Ватан истиқболини нурли қилаётган Мустақиллигимизга шукр. Унинг шарофати ва шафоатига қанча эзгу сўз айтсак камдир.

**Абдурасул ПАРДАЕВ**

■ **2008 ЙИЛ – ЁШЛАР ЙИЛИ**

# Муносиб эътибор

Инсон шахсини тасдиқловчи энг муҳим ҳужжат бу – фуқаролик паспорти. Айни кунларда жойларда ёш йигит-қизларга паспорт топшириш маросимлари ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб ўтди. Унда 16 ёшга тўлган 100 нафар ўсмирга фуқаролик паспорти топширилди. Бу юртимизнинг келажаги бўлмиш ёшларга "Ёшлар йили"да бир совға бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Шунингдек, буни ҳаётга мустақил қадам ташлаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш маъносида ҳам изоҳлаш мумкин. Фуқаролик паспорти берилар экан, ўсмирнинг вояга етиб, ўзини ўзи мустақил ва онгли равишда бошқара олишига ишонч билдирилади. Демак, фуқаролик паспортини қўлига олган киши жамият, ота-она ҳамда Ватанининг ишончини оқлаб, улар олдидаги бурчини тўлиқ англамоғи лозим.



— Баъзи сабаблар билан маросимга етиб кела олмайдиган ёшларимизга паспортларни уйларига бориб топшириб келдик, — дейди туман ИИБ хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Азиз Соатов. — Шу билан бирга, уларга тегишли маълумот ва тушунчалар берилди.

Тадбир давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Мирзо Улуғбек тумани ИИБ хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими Исмоил Эшонқулиев фуқаролик паспортининг аҳамияти, унга эга бўлган кишининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ёшларнинг юрт олдидаги бурчи ва масъулияти, шунингдек, фуқаролик паспортини олиш, янгилаш, қайта тиклаш, алмаштириш тартиб-қоидалари ҳақида гапирар экан, жумладан шундай деди:

— Қонунга биноан, фуқаролик паспорти 25 ва 45 ёшда алмаштирилади. Бу вақтда фуқаро ўзи яшаётган жойидаги паспорт хизмати бўлимига муддат тугамасдан 15 кун олдин мурожаат қилиши керак. Шунингдек, шахснинг исм-фамилияси ўзгарганда ёки уни ёзишда техник хатолик юз берганда, никоҳ қайд этилган ҳолатлар паспортни янгисига алмаштиришга рухсат берилади.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ҳокимлиги вакиллари, турли идора ва ташкилот аъзолари ҳамда ота-оналар қатнашди.

**Ислом СУЛТОНОВ**

■ **ТАЪЛИМ**

*Бугунги ёшларнинг компьютер технологияларини осонгина ўзлаштириб, камолот чўққиларини забт этаётганликларини кузата туриб, бу мўъжиза қачонлардир башариятни ҳайратга солган, орзу-хаёлларга эш ҳақиқат эканлигига амин бўламиз.*

# Имкониятлари беқиёс маскан

Ривожланган мамлакатлардаги каби мамлакатимизда ҳам компьютер технологияларини мукаммал биладиган кадрларга эҳтиёж ортиб бораётганлиги боис, барча вилоятларда компьютер мутахассисларини тайёрлаб берувчи ўқув масканлари ташкил этилмоқда.



Суратда: *ўқув юртидаги дарс жараёнидан лавҳа*

Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигида «Ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасида касблар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳаси доирасида жиҳозланган Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи юртимиздаги ана шундай зиё масканларидан биридир.

Коллеж ўз фаолиятини бошлаганига қисқа муддат бўлишига қарамай, вилоятда компьютер соҳаси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашда етакчилик қилмоқда. Айни пайтда илм масканида 833 нафар талаба «Радиолаштириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларига техник хизматлар кўрсатиш», «Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти», «Халқаро алоқа», «Мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси» йўналишлари бўйича таълим олмоқдалар. Уларга касб-ҳунар сирларини олтмиш нафардан зиёд малакали ўқитувчи-мураббийлар ўргатишмоқда.

14 та фан ва 2 та лингафон хонаси, 2 та физика, 2 та кимё ва биология лабораторияси, 6 та компьютер хонаси, 4700 дан зиёд китоб фондига эга бўлган ахборот ресурс маркази ўқувчиларни ўқиш ва билим олишларида яқиндан кўмак бермоқда. Интернет тизимига уланган компьютерлар эса ёшлар учун жаҳондаги илғор илм-фан тажрибаларидан бохабар бўлишда қўл келмоқда.

– Тошкент ахборот технологиялари унверситетининг Қарши филиали, Қарши давлат университети ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ғайрат Убайдуллаев.

– Хусусан, Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигидаги лойиҳа асосида коллежда 78 та замонавий компьютер келтирилди.

Шунингдек, талабалар назарий билимларини компьютер ва коммуникацион технологияларни таъмирлаш, йиғиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича мунтазам ўтказилаётган амалиётлар давомида мустаҳкамлашади. Компьютер технологиялари соҳасида иқтисодиёт, тадбиркорлик ва менежмент асослари бўйича кенг кўламда билим берилмоқда. Мақсадимиз ҳам, ниятимиз ҳам ёшларга қўшқанот бўлсак, деймиз.

Суҳбат асносида коллежнинг иқтидорли талабаларидан бири, «Келажак овози» кўрик-танловининг "Тасвирий ва амалий санъат йўналиши" бўйича вилоят босқичи ғолиби Маҳлиё Абдураҳмонова шундай дейди:

– Коллежимиз 2005 йил 1 декабрда ишга туширилган. Ёшлар ўзи танлаган йўналишлари бўйича билим олишлари учун барча имкониятлар тўла-тўкис яратилган. Бизда ўн бешдан ортиқ миллат вакиллари таҳсил олишади. Шу йилнинг март ойида эса коллежимиз талабаси Гатина Искра «Ахборот технологияларининг аёллар ҳаётидаги ўрни» мавзусидаги танловнинг "Энг яхши расм" йўналиши бўйича совриндори бўлди. Бугун ана шундай ютуқларни қўлга киритаётган иқтидорли тенгдошларимиз орамизда жуда кўп. Улар барча фанлардан республика олимпиадаларига қатнашиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Ҳа, ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, уларга мустаҳкам қанот бағишлаб, нурли манзиллар сари етаклашига ишонамиз, албатта.

**Зебо АБДУҚОДИРОВА**

*(Бошланиши 1-бетда.)*

# Журналист овози



Кейинги йилларда журналистнинг қаршисида умуминсоний фожиаларга сабаб бўладиган катта-катта муаммолар пайдо бўлди. Бу жамият ҳаётини изга солиб турадиган ижтимоий қарашларнинг тасаввур қилиб бўлмас даражада ўзгаргани билан боғлиқ. Айниқса, кишилик жамиятида кечаётган ва ёшлар турмуш тарзига дахл қилаётган ва эски дунёни "янгилаётган" урфлар аслида кенг кўламдаги "ахборот хуружи" туфайли содир бўлаётган ҳодиса. Бугун айрим Ғарб журналистлари космополитизм ғояларини "глобализация" деган истилоҳга ўраб тарғиб қилаяпти. Дунё миқёсида кечаётган ана шундай кескин ижтимоий-сиёсий жараёнда миллат манфаати ва миллий қадриятлар учун курашиш — шарафли вазифа. Шу маънода айтиш мумкинки, журналистнинг овози миллатнинг овози демакдир.

**Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ, журналист**

*Кўздан нари – кўнгилдан нари*

**Мақол**

# Узоқлашув

Хаёл ёмон дейдиганлар ҳақ. Одам, аччиқдир, шириндир, хаёл билан бўлиб кўп нарсадан, ҳатто, ўзидан ҳам узоқлашиб кетиши мумкин. Узоқлашув ва Танишув. Жуда қизиқ. Бу ҳақда ҳаётимдаги энг яхши тасодифлардан бирини айтиб берайми?

Талаба эдим. Қаҳратон қиш. Янги йил арафасида таътилга чиқдик. Пойтахтдан уйга — Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғига кетишим керак. Поездга чипта олишга улгурмадим. Одатда, байрамолди йўловчи кўп бўлади. Транспорт нархи ҳам шунга яраша осмонга сапчийди. Чамаласам, таксига ҳам пулим етмайди. Ноиложман. Айланиб ҳам, ўргилиб ҳам нисбатан арзон улов — жонажон автобусда кетишга мажбурман.

Автобус зўр-да! Ҳаётда ҳеч учрашмаган, танимаган одамлар билан маълум муддат «яқин таниш» бўлиб борасан. Манзилингга етдингми, хайрлашасан-да, кетасан. Кейин уни ҳаётингда яна кўрсанми-йўқми айтиш қийин. Бунинг аҳамияти йўқ аслида. Лекин шундай йўловчи-йўлдошларга дуч келасанки, улар ҳаётингда туб бурилиш ясаб юбориши ҳам мумкин.

...Йўл ҳақини келишгач, автобусга чиқдим. Бўлғуси йўлдошларимга бирма-бир назар ташлайман. Бирорта ҳам таниш йўқ. «Эҳ» дедим. Ҳамсуҳбатсиз қийиналасан-да. Боз устига сал одамовироқман, киришувчанликдан асар ҳам йўқ. Кайфиятим бир нави бўлди. Кўрсатилган ўриндиққа маҳкам жойлашиб, ён-атрофимга назар ташладим. Ҳамма ўз ёнидаги билан ғингир-ғингир гаплашади. Ёнимда ўтирган йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги ака мен билан саломлашгач, роса гаплашишга уриниб кўрди. Жиним суймади. Қисқа жавоб қайтарардим-у, савол бермадим. Фойдасини билмагач, у жим кетаверишга аҳд қилди, шекилли.

Пойтахтдан узоқлашяпмиз. Ҳаво совуқ. Қишнинг изғирин шамоли мункиллаб қолган чолдай имиллаб бораётган автобусимизнинг ойналарини «чийиллатиб» куй чалиб ўйнайди. Автобус ичида икки хил иқлим. Ойналар одам нафасидан димиқиб кетганидан буғланади. Полда эса

1

совуқ шамол оёқни чимчилаб-чимчилаб олади.

Шу кўйи Сирдарё-ю Жиззах, Самарқанду Қашқадарёнинг бийдай дала-даштлари, тоғ-у чўллари оралаб уйга кетаяпмиз. Ҳамма автобусдан олдин етсам, дейди. Гурунглар авжига чиқади. Қишлоқ одами-да, сабил, баланд овозда гапиради. Қаттиқ кулади. Бировлар Чорсу бозорида ишлагани, бир кун тортган араваси учун фалон сўм пул топганини, шу пулнинг барига онасига, икки қизчасига совға-салом олгани, кейин йўлга пули етмай қолиб, ўрнига ўзи учун олган янги қўл соатини бериб шу автобусга чиққанини айтади. Бошқаси шаҳарлик бир бойнинг уйида мардикорлик қилиб, «бир белбоғ пул» ишлагани, кейин мелисанинг қўлига тушиб, сўнг ... , ҳозир аранг уйига келаётганини гапиради...

Мен эса жим келавераман. «Бу одамлар менга анчайин узоқ экан...»

Олис йўлда қанча уринмайин, одатимга кўра, ухлаб қолибман. Бир маҳал ҳайдовчининг ғўлдираган баланд овозидан уйғониб кетдим:

— Еттитомга келдик. Тушадиганлар тайёрлансин!

Деразадан қарайман. Зимистон. Соатим миллари уч-у йигирмани кўрсатади. Апил-тапил нарсаларимни сумкамга солиб, олдинга ўтдим. Совуқда бир ўзим қолдим энди деб ўйлагандим. Адашибман. Изимдан тўрт нотаниш йигит тушиб келди.

Эътибор берсам, боя Чорсуда ишладим, деб гаплашиб келаётган йигитлар экан. Ярим тунда ҳаммамиз йўл пойлаймиз. Қишлоққа олиб борадиган уловдан эса дарак йўқ. Тураверив совуқ этимиздан ўтиб кетади. Йўл четидаги бекат томон юрамиз.

2

— Сиз қаерга борасиз, меҳмон? -деди тўртовлоннинг бири йўл-йўлакай.

Ҳайрон қолдим. Мени «меҳмон» дедими? Кулгим қистади:

— Мен «меҳмон» эмасман, — дедим дона-дона қилиб. Улар уст-бошимга, юзимга бошқатдан разм солиб чиқди-да, деди:

— Э, кечирасиз. Сизни танимас эканмиз. Ўзи қаердансиз?

— Шу ердан, Кўкдаладанман.

— Эй, бир қишлоқдан эканмиз-у, — деб юборишди бирваракайига. — Кимлардансиз? Нима иш қиласиз ўзи?

Тенгқурларим шўх болалар экан. Бекатга етгунча саволга кўмиб ташлашди. Саволларияму ўзидан оддий, жайдари ва ғариб туюлди. Меники шу пайт «тутиб қолди». Уларнинг бачкана туюлган суҳбатидан ўзимни торта бошладим. Сал нарироққа — бекатнинг бу бурчагига келаман. Улар ниятимни сезди. «Бизни менсимаяпти». «Қара, биз билан гаплашгиси йўқ» деган гапларини эшитиб турибман.

Сўнг улар ўзларича гурунглашади. Бир гапириб икки кулади. Мен дир-дираб сония санаб машина кутаман. Улар ўтириб олиб ҳиринглайди. Ярим кеча, совуқ оғизни очирмайдиган пайтда-я. Ҳамқишлоқларимнинг кулгиси асабимга тега бошлайди. Бир соат ўтди ҳамки, бахтга қарши, бирорта машина келмади. Совуқ эса суякни зирқиратарди.

Шунда йигитлар қўзғалиб қолди. Тўртови тўрт томонга тарқалди. Беш-олти дақиқадан сўнг қўлида шох-шабба кўтарганча бирин-кетин қайтиб кела бошлади. Эътибор бераман. Дарахтнинг хўл, қор аралаш шохларини синдириб обкелаяпти.

3

МОЗИЙ

**_Академик В.В. Бартольд 1896 йили Санкт-Петербург университети осори-атиқалар бўлимидаги Самарқанддан олиб кетилган нодир тангаларни эпиграфик ва лингвистик жиҳатдан ўрганар экан, ҳижрий 663, мелодий 1264 йилда қадимги ўзбек тилида ёзилган мис танга борлигини аниқлаган._**



# Самарқандда зарб қилинган мис танга

Тангада ҳозирги ўзбек сўмларидаги **"Ўзбекистон сўми республика ҳудудида ҳамма тўловлар учун ўз қиймати бўйича қабул қилиниши шарт"** деган ёзувига ўхшаш аверсига(юзига) **"Самарқандда ичлайин ташлайин"** (Самарқанднинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам), реверсига (орқа томонига) **«олмағучи ёзуқлуқ (гуноҳкор) бўлғай»** сўзлари ёзилган. Ўзбек тилидаги ушбу битикни халқ орасида кенг муомалада юрадиган тўлов воситаси — пулда ёзилиши, биринчидан XIII асрда Самарқанд ва унинг атрофларида ўзбек тилининг қай даражада кенг тарқалганлигини кўрсатса, иккинчи тарафдан аҳоли саводхонлиги ҳақида муайян маълумот беради. Пул давлатнинг муҳим иқтисодий-молиявий асосларидан бири эканлиги ҳисобга олинса, Самарқанд ҳукумдорлари XIII асрда ўз она тили — ўзбек тилига қандай катта аҳамият берганлиги яққол кўринади. Қадимги ўзбек тилига оид ҳар қандай ёдгорлик, у катта бўладими, кичик бўладими тилимиз тарихини ўрганишда аҳамиятга эгадир. Улар ўзбек тилининг илдизлари, ўзбек тили тарқалган ҳудудлар, у ерларда яшаган ўзбеклар ҳақида қимматли маълумотлар ҳам беради. Шу жиҳатдан ушбу мис танга Самарқанд ва унинг атрофида XIII асрда ўзбек тили кенг муомалада бўлган ва ўз пулига, мустаҳкам муомила воситасига эга бўлган дейишга асос беради.

**Эргаш УМАРОВ**

ТАДБИР

# Назарий ва амалий семинар

Яқинда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА), "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — UNFPAнинг молиявий кўмагида Фарғона водийсида қарийб бир ҳафта давомида ёш журналистларнинг медиа кунлари ўтказилди. Тадбирлар "Ёшлар йили" Давлат дастури, Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг 2008 йилга мўлжалланган ривожланиш дастури "Ёш ижодкорлар студияларини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида 27 июнь — Матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан ташкил этилди.



Тадбир иштирокчилари дастлаб Фарғона туманидаги "Тонг" оромгоҳида тўрт кунлик семинар-тренинг ўтказди. Унда "Келажак овози" ЁТМ қошида вилоятларда ташкил этилган ёшлар студияларининг журналистлари ва тасвирчи-монтажчилари, "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастурининг пойтахт ва ҳудудий мухбирлари иштирок этишди. Назарий билим ва амалиёт уйғунлигида ўтган мазкур семинарда ёш ижодкорлар тажрибали журналистлар билан ўзаро тажриба алмашиб, улар оромгоҳда турли жанрларда ҳар хил мавзуларда теледастурлар тайёрлашди ва шу ернинг ўзида тайёрланган телекўрсатувларнинг роликлари таҳлил қилиниб, уларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Таклифларга бой бўлган семинар-тренинг давомида тележурналистикага эндигина кириб келаётган ёш журналистга микрофонни қандай тутишдан тортиб, мавзу танлашда нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги, стендап (stand up) лавҳалар тайёрлаш усуллари тажрибали журналистлар томонидан ёш ижодкорларга ўргатилди. Муҳокама давомида ЎзЭОАВМАнинг ёшлар студиялари лойиҳаси асосида ташкил этилган кўрсатувларни янада такомиллаштириш, унинг қамров доирасини кенгайтириш, саҳифалар ранг-баранглигини ошириш каби телекўрсатув тайёрлашнинг мана шундай муҳим жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди. Яна бир аҳамиятга молик масала телестудияларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, касбий малакани ошириш 11 та йўналишда янги дастурлар ишлаб чиқилиб, июль-август ойлари учун ижодий режа ишлаб чиқилди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Марғилон ва Андижон шаҳарларида бўлиб, у ерда тележурналистика соҳасида қилинаётган ишлар, вилоятлар марказларида ёш журналистлар билан учрашиб Ёшлар йилида телестанцияларда қилинаётган ишлар ва бу ҳақдаги телекўрсатувларни тайёрлашга керакли тавсия ва кўрсатмалар берди. Қолаверса, радиостудиялар фаолияти билан танишиб чиқиб, ёшлар радиостудиялари тизимини ташкил этиш лойиҳасини атрофлича ўрганиб чиқди. Айниқса, семинар иштирокчилари томонидан тез орада ҳудудуй телестанциялар қошида ташкил этиладиган ва "Келажак овози" ёшлар телестудияси маркази билан ҳамкорликда фаолият юритиши кўзда тутилган ёшлар радиостудиялари бўйича ишларни жадаллаштириш тўғрисида айтилган таклиф ва фикрлар кўпчиликнинг эътиборида бўлди.

**Тоҳир ЭШБОЕВ**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# Камарбасталик

**Акциядорлик- тижорат "Пахта банк" қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда**

*Республикада олиб борилаётган мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни янада демократлаштириш жараёнида банк тизимлари ҳам четда тургани йўқ. Хусусан, акциядорлик-тижорат "Пахта банк"нинг халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Кейинги йилларда молия муассасасида аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли молларига бўлган талабини кенгроқ қондириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш юзасидан бир қатор хайрли ишлар бажарилмоқда.*

Жумладан, янги савдо шохобчаларини ташкил қилиш, фаолият юритаётган савдо корхоналарини озиқ-овқат ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш учун "Пахта банк" томонидан тадбиркорларга молиявий кўмак бериб келинмоқда. Шу йилнинг олти ойи давомида банк филиаллари савдо корхоналарига ажратган кредитлар миқдори ўтган йилги кўрсаткичдан икки ярим баробарга ўсди. Кўриниб турибдики, "Пахта банк" мижозлари бўлмиш савдо ташкилотларининг пештахталарида маҳсулот тури кўпайиб бораяпти, шунга яраша нақд пул тушуми ойдан ойга ошмоқда. Бу ҳам банк билан ўрнатилган ҳамкорлик самарасидир.

Банк фақатгина шаҳар жойларда эмас, қишлоқларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир ҳудудда камида биттадан савдо дўкони қуриш ва биттадан савдо дўконини таъмирлаш бўйича тегишли ишлар қилинмоқда. Қолаверса, аҳоли гавжум жойларда минибанклар ва махсус кассалар очилиб, халқимизга турли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Эндиликда аҳоли ҳар хил тўловларни тўлаш, бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш учун туман марказига овора бўлиб келиши шарт эмас. Бу эса ўз навбатида банк кассаларига нақд пул тушумининг кўпайишига, биринчи даражали ижтимоий тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ёрдам бермоқда. Валюта айирбошлаш шохобчалари фаолиятини ривожлантириш юзасидан ҳам ишлар давом эттирилди. "Пахта банк" валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи республика миқёсида жами 272 тани ташкил этди. Мазкур хайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.





Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа қарорларини бажариш борасида ҳам, хусусан, "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича "Пахта банк"нинг барча филиалларида иш қизғин кечмоқда. Масалан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 2007 йил давомида 1997 миллион сўм, 2008 йилнинг ўтган даври мобайнида эса 1644 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Натижада 1160 та янги иш ўрни яратилишига "Пахта банк" ўз ҳиссасини қўшди. Молия муассасаси ажратаётган маблағлар асосан қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, жойларда хизмат кўрсатиш даражасини оширишга йўналтирилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар самарасини аниқ мисоллар орқали кўришимиз мумкин. Банкнинг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси туманлардаги 19 та филиали ва 44 та минибанки ёрдамида 15 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Лоиш филиалидан "Нур замин неъмати" хусусий корхонасига маълум даражада кредит маблағи ажратилганди. Бугунги кунда корхонанинг дўкони замонавий таъмирланиб, озиқ-овқат ва истеъмол моллари савдоси билан аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

– Биз "Пахта банк"дан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдик, – дейди Олтинсой туманида фаолият юритадиган "Хўжасоат ирмоғи" хусусий корхонаси раҳбари Раҳмат Ортиқов. – Банкдан олган кредитимиз ҳисобидан олтита янги иш ўрни яратилди, ҳозирда қишлоқ аҳолисига сартарошлик ва тикувчилик хизматларини кўрсатмоқдамиз. Ўтган вақт мобайнида корхонамизда 1,8 миллион сўмлик пул айланмасига эришилди ва банкка нақд пул топширияпти.

Дарҳақиқат, "Пахта банк" тобора республикамизнинг энг чекка қишлоқларигача кириб бормоқда. Қишлоқ жойларидаги аҳолини иш билан таъминлаш, фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

**Темур СУЛТОНОВ** ®

«Буларнинг қўлидан совуқ ҳам ўтмайди-я».

«Ўлжа» бекатнинг ўртасига ташланди. Кичик гулхан ясалди.

Бирови чўнтагидан «зажигалка»ни чиқариб ўтинни ёқишга киришди. Ҳадеганда ёнмади. Шунда бири шох-шаббага қараб:

— Ё, Мойли бобонинг қўли, ёниб кетсанг-чи, энди, — деганди «гурр» кулги кўтарилди. Олов ҳам ёнди.

«Нега кулади?» «Ким у Мойли бобо?».

Қизиқдиму, лекин уларга яқинлашмадим. Йигитлар оламшумул кашфиёт ўйлаб топгандек ўзида йўқ мамнун, гулхан атрофини ўраб олишди. Қўлларини оловга теккизиб иситаяпти. Бирови туфлисини ечиб, жиққа хўл бўлиб кетган пайпоғини қуритаяпти. Менинг эса совуқдан тилим калимага келмай қолди. Танам оғирлигини дам у оёғимга, дам бу оёғимга ташлаб турибман.

— Меҳмон, келинг, исиниб оласиз, — деди болалардан бири кутилмаганда.

Совуқдан қизарган юзларим энди уятдан, ҳижолатпазликдан лов-лов ёнарди.

4

«Мен менсимаган, ётсираган ҳамқишлоқларим исинишга таклиф қилдими?». Этимдан ўтиб бораётган совуқ манманлигимни синдирди.

Ҳамқишлоқларим даврасига бориб қўшилдим. Олов ёруғида юзларига зимдан разм соламан. Ё, тавба! Булар ким, ёшларми? Шулар-а? Йўқ, уларнинг ёши меники билан баробар, лекин а-анча катта кўринади. Қўлларига қарайман. Дағал, катта-катта ёрилиб кетган. Ўйга ботаман. Эзиламан. «Буларни қора меҳнат қаритиб қўйган».

Қувноқ тенгқурларимдан Мойли бобонинг кимлигини сўрайман.

— Мойли бобоми? — дейди биринчиси.

— У — манавининг бобоси, — деди кўзлари қисиқ новча шеригини кўрсатиб. Новча аввал дўстларига, сўнг менга савол назари билан қарайди.

— Бунинг бобоси қишлоғимизнинг Афандиси. Ҳаммани боплайди, алдайди, масхара қилади. Унинг ҳар айтган гапи машҳур бўлиб кетади, — дейди иккинчиси.

5



Сўнг йигитлар бири қўйиб бири Мойли бобонинг ана шундай «машҳур бўлиб кетган» антиқа гапларини айтиб кетди.

«Бир куни Мойли бобо дўстига шундай мақтанибди. Мен Тошкентда жеган (еган–Ж.К.) лағмон Самарқандгача орқамдан эргашиб келди».

— Э, бўмабди бунинг, — дейди иккинчиси. — Мана буни эшит. Маҳмасолай бобонинг тўйида Мойли бобо дўстларига мақтанаётганмиш:

— Ошналар, кеча Кўкдала бозоридан бир килограмм новвот сотиб олдим. Бай-бай, қурғурнинг ҳар бир бўлаги икки килодан чиқади-ёв, дермиш.

— Бунисиям ҳеч нарсамас экан, — дейди учинчи суҳбатдошимиз. — Мойли бобо бир чўпон дўсти билан қўй боқиб юрганакан. Далада қўйлар, икки эшак ва икки чолдан бўлак ҳеч ким йўқ эмиш. Кечга яқин Мойли бобо маъюс тортиб қолибди. Ҳар доим юзидан бол томиб, лоф урадиган, йўқ жойдаги гапларга ҳам ҳиринглайверадиган чолнинг бу ҳолини кўрган дўсти ташвишланиб қолибди: «Нима бўлди экан унга?»

Миқ этмай қўйган Мойли бобо анча вақтдан кейин чўпон дўстига қарата: «Шоди, дўстим, сенга муҳим бир гапни айтайми?» — дебди.

Шоди чўпон хурсанд, кейин ҳайрон бўлиб «айт» дебди.

Шунда Мойли бобо у ёқ – бу ёққа алаnглаб қараб олармишда, эшак устидан туриб дўстининг қулоғига жуда секин шивирлаб:

— Мен уйга кетдим. Сен зерикмай қўйларни боқиб юравер...

Мойли бобонинг гаплари даврада кўп айтилди. Негадир, ёшлигим эсимга тушиб кетди. Қишлоқдаги ошналаримни кўргим келди. Далада, узо-о-қларга чўзилган далаларда улар билан қурган давраларимизни қўмсадим. Шундагина ёнимдагилар, Мойли бобонинг неваралари ўзимнинг яқинларим экани, йўқ, аслида мен уларнинг узоғи эканимни тушуниб етдим. Узоқлашув...

**Жасур КЕНГБОЕВ**

6

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

# Мароқли саёҳат

**_Мамлакатимизда келажагимиз ворислари бўлган ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Муҳими, бу эзгу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан аҳамиятлидир._**

Яқинда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тиллар педагогика институти ва Андижон давлат университети талабаларидан 200 нафари Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга чиқишди. Улар Қува, Марғилон, Қўқон шаҳарларининг тарихий мажмуаларини қизиқиш билан зиёрат қилдилар. Айниқса, мустақиллик йилларида қурилган Ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуи, пир Сиддиқ мадрасаси, Увайсий уй-музейи ёшлар учун таассуротларга бой бўлди. Ушбу саёҳат учун Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан 10 миллион сўм маблағ ажратилди.

# Бунёдкор тадбиркорлар

**_Мустақил юртимизнинг чирой очиб, обод бўлишига тадбиркорлар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, Балиқчи туманидаги "Азим Даврон" савдо маркази тадбиркор Азимжон Ҳусановнинг маблағи ва банк кредитлари ҳисобидан қуриб битказилди._**

Мажмуада 160 та савдо дўкони, 80 ўринли мева-сабзавот сотишга мўлжалланган махсус савдо хонаси жой олган. Эътиборли жиҳати, савдо комплекси очилиш куни кам таъминланган оилаларнинг 8 нафар фарзандининг хатна тўйи ўтказилди. Эл ардоғида бўлган нуронийларга ош тортилиб, уларнинг оқ фотиҳалари олинди.

Яна бир бунёдкор тадбиркор Ҳусниддин Отахонов эса ўз маблағидан Андижон шаҳри "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги гузар қурди. Миллий ва замонавий усуллар уйғунлигида қад ростлаган мазкур гузар ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган даражада кўркамлиги билан ажралиб туради.

Энди маҳалла аҳли фавворалар отилиб турган соя-салқин чойхонада мириқиб хордиқ чиқаришлари мумкин. Шунингдек, 6100 нафар аҳоли учун кундалик эҳтиёж моллари дўкони, новвойхона, қассобхона беминнат хизмат кўрсатмоқда. 10 дан зиёд киши савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан таъминланди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**

